


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 3 декабрь, № 236 (5910) Сешанба


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Урганч шаҳридаги “Информ алго” хусусий корхонасига хорижнинг “Gielo Group”, “Warelex LLC” ва “Tocobox LLC” компанияларидан навбатдаги буюртмалар келиб тушди.*

### Компьютер дастурлари — экспортга

Гап шундаки, ушбу корхона бир неча йилдан буён чет эллик компанияларга шартнома асосида компьютер дастурлари тайёрлаб бермоқда. Бу “Информ алго”да меҳнат қилаётган 12 нафар олий маълумотли мутахассиснинг тинимсиз илмий изланишлари самарасидир. Айни пайтда корхона билан 15 та чет эл компанияси яқин ҳамкорлик қилиб келаяпти.

“Информ алго” жамоаси ўтган йили ўз буюртмачиларига 100 минг АҚШ долларилик компьютер дастурлари етказиб берган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу ерда 105 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилди.

Эътиборлиси, Урганч шаҳрида мазкур даврда 4 миллион 344 минг АҚШ долларилик турли маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Оқолтин туманида саноат корхоналари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Яқинда улар сафига “Оқолтин МС” масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик цехи ҳам қўшилди.*

### Лойиҳа — амалиётга

Лойиҳани рўёбга чиқариш учун 31,6 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Пировардида бу ерда тикилаётган юқори сифатли кийим-кечаклар тезда ўз харидорларини топди. Цех фаолият бошлагач, 18 та қўшимча иш ўрни яратилди. Чеварларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этиши илғор технологияларни тўлиқ ўзлаштиришда қўл келди.

— Ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Мирза Сулаймонов. — Шу орқали келгусида маҳсулот тури ҳам, иш ўринлари ҳам кўпаяди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Ўрта Чирчиқ туманидаги ахборот технологиялари ва сервис, Оҳангарон туманидаги “Нурobод” энергетика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларини “Электрон таълим” миллий тармоғига улаш лойиҳаси рўёбга чиқарилди.*

### Қулай ва тезкор

Бунинг учун “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси кўмагида бу икки муассасага жами 31,6 километр масофада оптик толали алоқа линиялари тортилди. Мазкур янгилик коллеж ўқувчилари учун таълим жараёнида беқиёс қулайликлар яратиши билан аҳамиятлидир. Эндиликда улар интеграциялашган ахборот-кутубхона, масофавий таълим хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, яқин орада вилоятдаги яна 9 та ўрта махсус таълим муассасида худди шундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Савдо расталари тўкинлиги харидорларнинг танлаш имкониятини кенгайтиради. Бунда маҳсулот сифати асосий мезон ҳисобланади.*

### Тежамкор ускуналар самараси

“Obodlik kaftidagi don” хусусий корхонаси жамоаси янги бизнес лойиҳани амалга оширишда ана шу омилга алоҳида эътибор қаратди.

Бухоро шаҳрида фаолият бошлаган мазкур кичик бизнес субъектида нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Лойиҳани амалга оширишга 375 минг доллар миқдоридаги сармоя йўналтирилиб, энергияни тежайдиган илғор ускуналар харид қилинди. Натижа эса самарали бўлди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлардан истеъмолчилар мамнун. Дарвоқе, янги корхона шарофати билан ўн нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Жорий йил якунига қадар Бухоро шаҳрида саноат йўналишида қиймати 12,7 миллион долларлик яна 11 бизнес лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштиришларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда




**СУРАТДА:** *Тошкент шаҳридаги 142-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Жамила Расулова машғулот пайтида.*

Ана шундай улуғвор мақсадда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар, яратувчилик ва ободончилик ишлари ҳар биримизни қувонтирмоқда. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш имконини берди. Бу янгиланишлар, ўз навбатида, ўқитиш сифатини мутлақо ўзгартириб, юксак самарадорликка эришишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам фарзандларимизнинг келгуси тақдирида ғоят муҳим аҳамиятга эга.

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Қарорга биноан, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб чет тилларни ўқитишга, илгаригидек, бешинчи синфдан эмас, балки биринчи синфданоқ киришилди. Бу эса ота-оналар, кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Яшириб нима қилдик, авваллари билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс берaверарди. Ваҳолонки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктирилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади. Демак, ушбу қарор фарзандларимизнинг ёруғ истиқболига хизмат қилиши муқаррар. Зеро, кичик ёшдаги болалар хорижий тилларни осонроқ ўзлаштириши ҳеч кимга сир эмас.

— Давлатимиз раҳбарининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўқувчи-ёшлар учун фойдали бўлган чет тиллардаги электрон дарсликлар, қизиқарли ўйинлар ва бошқотирмали ресурслар яратиш, ўқув ва бадиий адабиётлар, турли луғатлар нашр этиш, кўргазмали қуроллар ишлаб чиқиш, бу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш вазифалари белгиланган, — дейди Республика таълим маркази директори Ислом Зокиров. — Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда чет тили, асосан, инглиз тилига ихтисослаштирилган мутахассисларни тайёрлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби бир қатор вазифалар назарда тутилган бўлиб, айни пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

(Давоми 4-бетда).




## 8 ДЕКАБРЬ —
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

*Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Халаф Бу Дхаир “Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида юртимизда кечаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Конституциясининг ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

**Халаф Бу Дхаир:**

# «Ўзбекистон Конституцияси бутун мамлакат халқининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайди»

Кувайт элчисининг фикр билдиришича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг суверенитетни мустаҳкамлаш йўлида ҳуқуқий пойдевор сифатида хизмат қилди. Шунингдек, Асосий Қонун давлат ва жамият қурилиши, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда ҳам тамал тоши бўлди.

Халаф Бу Дхаир қайд этганидек, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва меъёрлар асосида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини изчил юксалтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Кувайтлик дипломат бу борадаги саъй-ҳаракатларга юксак баҳо берди. У Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар ўртасида жипслик, ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сураётганини ҳам алоҳида таъкидлади. “Зеро, Конституция бутун мамлакат халқининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини кафолатлайди, ўлка ҳудудида тинчлик ва осойишталик таъминланишини устувор вазифа сифатида назарда тутади, натижада бугун Ўзбекистон жадал ривожланаётган ҳамда мустаҳкам барқарорликка эришган давлатга айланди”, деди Кувайт дипломатия миссияси раҳбари.

Халаф Бу Дхаир юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида ардоқлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳам тўхталди. Унинг фикрича, бу борадаги сиёсат инсон қадр-қимматини, унинг шаънини улуғлаш, маданияти ва маънавиятини асраб-авайлаш, ҳар бир фуқарода мамлакатда кечаётган жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш, миллат ва элатлараро ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилаётир.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг муҳим омили бўлмиш жамоат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга тенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини текшириш натижалари муҳокама қилинди

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенати, мамлакатимиз парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА**

Унда “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижросини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳокимликлар, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотларда ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Тадбирда мамлакатимизда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиши сиёсий ҳуқуқ сифатида эътироф этилиб, мазкур ҳуқуқни кафолатловчи қонунчилик базаси яратилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари кескин танқид остига олинди.

Текширишда мурожаатларни қонунда белгиланган муддатларда ёки асоссиз равишда кўриб чиқмаслик, унинг натижалари тўғрисида ёзма шаклда хабар бермаслик, қонуний талабларни асоссиз рад қилиш каби бошқа кўплаб ҳолатлар аниқланганлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## 2013 йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати қарийб

**8,7** **триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

Улар орасида ишлаб чиқариш жорий йилда ўзлаштирилган ўнлаб турдаги янги маҳсулотлар бўлиб, бу ички бозорни ўзимизнинг товарлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмида қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари улушини кўпайтириш имконини берди.

**Халаф Бу Дхаир:**

# «Ўзбекистон Конституцияси бутун мамлакат халқининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу хусусдаги фикрларини ўртоқлашар экан, элчи қуйидагиларни таъкидлади: "Ўзбекистон Конституциясининг асосий қоидаларидан бири фуқаролик жамияти институтларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган бўлиб, улар халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳуқуқларини ифодалашнинг муҳим механизми сифатидаги фаолиятини ифода этади. Бу эса, ўз навбатида, демократия ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига тўла мос келади".

Халаф Бу Дхаир Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг меъёр ва тамойиллари асосида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракат дастурига ҳам юқори баҳо берди. Унинг айтишича, мазкур ҳужжатнинг демократик тараққиёт йўлини ривожлантиришдаги ҳамда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашдаги ўрни, шунингдек, дастурни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган улкан ишлар таҳсинга сазовордир.

Суҳбат интиҳосида Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ўзбек халқини самимий кутлар экан, юртимизга янгидан-янги ютуқлар, тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ҳамда равнақ тилади.

**«Жаҳон» АА.**

АНЖУМАН

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

## жамиятда қонун устуворлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга

*Пойтахтимизда "Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш — жамиятда демократия ҳамда адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига кўмаклашиш" лойиҳаси кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳуқуқий тарғибот масалалари билан шуғулланувчи мутасадди идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, бир қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Япония, Хитой, Германия, Франция, Польша, Россия, Озарбайжон каби давлатлардан экспертлар қатнашди.

Анжуманда юртимизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий билими, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар тизимли равишда бажарилаётгани эътироф этилди.

Таъкидланганидек, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси юксаклиги ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида долзарб аҳамиятга эга бўлиб, айни чоғда унинг самарали механизмлари яратилмоқда. Қонунларни билиш, уларга амал қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга интилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиш, умуман, ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил рўёбга чиқариш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти тобора юксалиб бораётир. Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий таълим ва тарбияни такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтириш асосий вазифа этиб белгиланганлигини таъкидлашди. Халқаро экспертлар мазкур соҳада олиб борилаётган ишларнинг режали, тизимли ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, ўзига хос миллий концепция асосида ташкил қилинганлигига ижобий баҳо беришди.

— Конференцияда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўз тажрибамиз билан ўртоқлашдик, — дейди Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига кўмаклашиш" лойиҳаси эксперти Дариуш Любовски. — Айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда инсонларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуққа оид масалаларга ёндашиш ҳар бир мамлакатда турлича. Бу тўхтовсиз жараён бўлиб, уни ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳамкасбларимиз таъкидлаб ўтишганидек, юртингизда бу борада салмоқли натижаларга эришилган.

Анжуманда ҳуқуқий маърифат ҳамда тарғибот йўналишида давлат ва нодавлат тузилмаларининг фаол иштироки хусусида ҳам сўз борди. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳага устувор аҳамият берилаётганлигини яққол намоён этмоқда. Чунончи, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини яхшилаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан 15 та давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан меморандумлар имзоланган.

Бундан ташқари, айни чоғда мамлакатимиздаги 6600 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларининг 600 дан кўпи бевосита шу масалалар билан шуғулланиб келаётгани эътиборга молик.

Анжуман якунида олимларнинг ушбу соҳага оид илмий изланишларини такомиллаштириш, халқаро алоқаларни изчил йўлга қўйиш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини текшириш натижалари муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Прокуратура органлари томонидан 2013 йилнинг 10 ойида йўл қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бўйича 4323 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, шундан 4011 нафар мансабдор шахс интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса 44 та жиноят иши қўзғатилди.

Прокуратура органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг давлат органлари томонидан ижро этилиши устидан мунтазам назоратни амалга ошириш билан бир қаторда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг 10 ойида 123 мингдан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши натижасида 11 мингга яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, йиғилишда соҳага масъул давлат органлари фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан тизимли идоравий назоратни кучайтириши ва уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриши зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Идоралараро йиғилиш натижасига кўра, келгусида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳволини янада яхшилаш, ушбу соҳада назоратни кучайтириш хусусида қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

ТАДБИР

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни такомиллаштириш масалалари, интерфаол хизматларни жорий этишдаги устувор йўналишлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

# Қоғозсиз ва масофасиз ҳисобот

Таъкидланганидек, бугунги кунда ҳеч бир соҳани ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ)сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ундан ўз ўрнида фойдаланиш вақтни тежаш, моддий ресурсларни иқтисод қилиш орқали юқори самарадорликка эришишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, айниқса, давлат органлари фаолиятига АКТ ютуқлари изчил татбиқ этилаётир. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилаяпти.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан кенг кўламда, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Қўмитанинг расмий www.stat.uz сайти орқали 6 та асосий ва 4 та қўшимча давлат интерфаол хизматлари тақдим этилганки, улар орасида электрон шаклдаги давлат статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш хизмати алоҳида ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 16 июлда имзоланган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан татбиқ этилган бу хизмат тадбиркорларга ҳар томонлама қулай бўлмоқда. Натижада электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, статистик ҳисоботларни тақдим этувчи субъектлар сони муттасил кўпайиб бораяпти. Масалан, 2011 йилда статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектларнинг 4 фоизи ушбу интерактив хизмат орқали ҳисоботларини тақдим қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2012 йилда 26,5 фоизни ташкил этди. Жорий йил якуни бўйича эса 86 фоизга етиши кутилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар, хусусан, БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда яратилган www.businessinfo.uz маълумот портали ҳамда "SMS-To'lov" нақд пулсиз тўловларнинг электрон тизими, уларнинг афзаллик жиҳатлари, фойдаланувчилар учун қулайлиги ҳақида маълумотлар берилди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида республикамиз бўйлаб ўтказилаётган "Саломатлик кунлари" Андижон вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Тадбир давомида олти минг нафардан зиёд фуқаро, хусусан, кам таъминланган, ногирон, тиббий муолажага муҳтож инсонлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги олдидан Олтинсой туманида барпо этилган Бахт уйи биноси фойдаланишга топширилди. Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган мазкур бинодан никоҳ маросимларини қайд этиш зали, "Оила дорилфунуни", ҳужжатларни сақлаш, ёш келин-куёвларга сервис ва хизмат кўрсатиш хоналари ўрин олган.**

● Фарғонада умумқурилиш ишлари устаси касби бўйича ўқув амалиётларини инновация технологиялари асосида ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган республика ўқув-семинарида касб-ҳунар коллежлари мутахассислари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этди. Якунда ўқув-меъёрий ҳужжатлар, методик қўлланмалар, хом ашёдан самарали фойдаланиш борасида кўргазмали чиқишлар ва намунали ўқув машғулоти тақдимоти ўтказилди.

● **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида "оммавий маданият"нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсирини бартараф этиш масалаларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, интернет тармоғи орқали маънавиятимизга ёт ғоялар тарқалишининг олдини олиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# САВДО БЕЛГИСИ

## корхона маҳсулотларининг сифатини, унга бўлган талабни ва юксак ишончни англатади

*Наманган туманидаги "Ностандарт" ишлаб чиқариш корхонаси — ўзининг рақобатбардош маҳсулотлари билан истеъмол бозорига дадил кириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан бири. Бу ерда дастлаб оқова сувларни механик, биокимёвий тозалаш иншоотларини таъмирлаш учун зарур бўлган 40 дан ортиқ турдаги ностандарт жиҳозлар, махсус насослар, чўян печь қопқоқлари тайёрлаш йўлга қўйилган эди.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Корхона муҳандис-техник ходимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги изланишлари натижасида бу рўйхатга кейинги йилларда янги турдаги кўплаб ускуна ва жиҳозлар қўшилди. Улар орасида темир йўл вагонлари учун чўянли тормозлаш колодкалари, оқова сувларни тозалашда ишлатиладиган гидроэлеватор, мактаб ўқувчилари учун парталар, тренажёр арғамчилари сингари маҳсулотлар бор. Ўтган йил бошида эса ёнғинга қарши курашда муҳим ўрин тутадиган ер ости сув гидрантларини тайёрлашга киришилди.

— Илгари бундай гидрантлар хориждан келтириларди, — дейди корхона раҳбари Абдумажит Насриддинов. — Унинг ҳамиша ҳам етарли даражада бўлмаслиги жойларда юз берган ёнғинни бартараф этишда муаммоларни келтириб чиқарарди. Ўша гидрантларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйса бўлмайдими, деган савол кўпчиликни ўйлантириб турган паллада масала ечимини топишга киришдик. Хорижий тажрибани пухта ўрганиб, Россияда тайёрланаётган гидрантлар тоифасига кирувчи "ПГ-750", "ПГ-1000" ҳамда "ПГ-500" русумли сув ҳайдаш воситаларини маҳаллий шароитда тайёрлашни йўлга қўйдик.

Лойиҳа шарофати билан йилига 1200 дона сув гидранти ишлаб чиқаришга мўлжалланган қувватлар юзага келди. Бунинг ҳисобига меҳнат жамоаси сафи яна беш нафарга ортиб, 30 кишига етди. Дастлабки йили ёнғин хавфсизлиги хизмати муассасаларига минг дона ёки 800 миллион сўмлик миқдордаги сув ҳайдаш воситаси етказиб берилди.

— Янги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштириш чоғида хом ашё масаласини ҳам тўла ҳал қилиб олдик, — дейди қуювчи уста Рустам Тиллабоев. — Жумладан, Украинадан металл эритиш печи олиб келинди. У соатига 160 килограмм иккиламчи металлни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиради. Бу нафақат гидрантлар, балки бошқа турдаги маҳсулотлар учун зарур бўлган хом ашёнинг узлуксизлигини таъминлайди.

"Ностандарт"нинг меҳнат жамоаси томонидан бултур бир миллиард сўмликдан зиёд ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш юмушлари амалга оширилган эди. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 1 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этиб, 20 фоиз ўсишга эришилди. Эътиборли жиҳати, корхона буюртмалар портфелидаги шартномалар сони янада кўпайди. Улар орасида "Урганчтрансгаз", "Таллимаржон" ИЭС, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа бир қатор истеъмолчиларнинг Наманганда тайёрланадиган сув гидрантларини харид қилиш юзасидан берган талабномалари бор.

— Вилоятимизда Президентимизнинг "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 28 корхонанинг 51 лойиҳаси асосида маҳаллий хом ашё негизидаги импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси мутахассиси Моҳира Фозилова. — Бош кийимлар, пайпоқ, ўнлаб турдаги шампунь ва бошқа санитария-гигиеник воситалар, автомобиллар учун газ баллонлари сингари товарлар ички бозорни тўлдиришда катта роль ўйнаяпти.

Мухтасар айтганда, маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вилоят иқтисодий салоҳияти мунтазам ортаётганидан далолатдир. Эътиборли томони, Наманганнинг замон талабларига мос ва ўзининг савдо белгисига эга бўлган кўплаб корхоналари эндиликда ташқи бозорга ҳам дадил кириб бораяпти. Эркаклар кийими тайёрлаш йўналишида мамлакатимизнинг бошқа минтақалари, ҳатто хорижликлар билан рақобатлаша оладиган малакали тикувчилик мактаби яратилганлиги эса алоҳида эътирофга молик. Айни чоғда Маҳаллийлаштириш дастурининг жорий йил учун белгиланган вазифалари тўлиқ уддаланаяпти. Уларнинг ижроси "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги юқори сифатли ва рақобатбардош буюм ҳамда воситаларнинг янада кўпайишига хизмат қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Гилам тўқишни ўзлаштиришди

*Ҳунармандчилик ва уй меҳнатининг бир қатор шаклларини ривожлантириш — аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис янги иш жойлари ташкил этишнинг бундай йўналишлари ҳудудий бандлик дастурларида ҳам алоҳида акс этган.*

БАНДЛИК

Яқинда Қибрай туманининг Салар шаҳарчасида бир гуруҳ хотин-қизлар ҳунармандчилик орқали фойдали меҳнатга жалб этилди. "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлинмаси саъй-ҳаракати билан шаҳарчанинг "Дўстлик" маҳалласида гиламдўзлик цехи фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг учун Фарғона вилоятидаги "Марғилон ипак гиламлари" корхонаси билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Шу тариқа водий корхонасидан 12 та дастгоҳ олиб келинди. Маҳалла хотин-қизлари қисқа фурсатда моҳир ҳунармандлардан устоз-шогирдлик асосида гилам тўқиш сирларини ўзлаштириб олишди.

— Келгуси йил якунигача туманимиздаги ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида 10-12 нафар аёлни худди шундай меҳнатга жалб этиш ниятидамиз, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлинмаси раҳбари Эшниёз Хўжамиёров. — Бу яқин орада туманимизда хотин-қизлар учун қўшимча 200 та иш ўрни яратилади, деганидир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 3 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2006,99 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3602,79 |
| 1 Дания кронаси | 400,22 |
| 1 БАА дирҳами | 597,39 |
| 1 АҚШ доллари | 2194,15 |
| 1 Миср фунти | 318,58 |
| 1 Исландия кронаси | 18,42 |
| 1 Канада доллари | 2066,44 |
| 1 Хитой юани | 360,14 |
| 1 Россия рубли | 66,11 |
| 1 Украина гривнаси | 274,51 |
| 1 Малайзия ринггити | 681,10 |
| 1 Польша злотийси | 710,86 |
| 1 СДР | 3368,48 |
| 1 Туркия лираси | 1087,77 |
| 1 Швейцария франки | 2425,28 |
| 1 евро | 2971,71 |
| 10 Жанубий Корея вони | 20,74 |
| 10 Япония иенаси | 214,40 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Ер текислашнинг илғор усули

*Қашқадарё вилоятининг сув тақчил бўлган Ғузор, Қарши, Нишон, Касби, Миришкор туманларида ерларни лазер қурилмаси ёрдамида текислашга киришилди.*

СЕМИНАР

Эътиборлиси, экин майдонларига ушбу усулда ишлов бериш туфайли сув тежалиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада ортади. Вилоят деҳқонларининг мазкур ташаббуси БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ушбу халқаро ташкилотлар томонидан айни пайтга қадар 12 та фермер хўжалигига лазер қурилмалари топширилди.

Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида ўтказилган кўргазмали семинарда ана шу хусусда атрофлича сўз юритилди. Соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбирда ерларни текислаш усуллари, лазер ускунасини қўллаш борасида батафсил маълумотлар берилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

XALQ BANKI

Реклама ўрнида

*Мамлакатимиз молия-банк тизимида Давлат-тижорат Халқ банкининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда мазкур молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, мижозлар билан ишлаш тажрибаси такомиллашиб бораётгани унинг нуфузи ҳамда мавқеини тобора оширмоқда. Ушбу банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.*

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

— Халқ банки чинакамига ишончли ҳамкор ва яқин кўмакдошимиздир, — дейди Элликқалъа туманидаги “Нодирбек” МЧЖ раҳбари Ғофур Сатимов. — Гап шундаки, унинг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобидан темир-бетон, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил қилдик. Ҳозир бу ерда 5 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. 10 дан зиёд иш ўрни яратилган. Келгусида эса маҳсулот турини 9 тага кўпайтириб, унинг бир қисмини экспортга чиқариш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Халқ банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 24,4 млрд. сўмлик кредит берилгани ўз самарасини кўрсатаяпти.

— Бизнес-режа тузиб, кредит олиш мақсадида Халқ банкига мурожаат қилгандик, — дейди “Идеал саноат савдо” МЧЖ раҳбари Шароф Ёқубов. — Қарангки, жуда қисқа муддатда 200 миллион сўмлик кредит ажратилди. Мазкур маблағ эвазига замонавий ускуналар харид қилиб, буюртма асосида сифатли оҳак маҳсулотлари



ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Пировардида 9 та иш ўрни очилган бўлса, унинг тўрттасини касб-ҳунар коллежининг битирувчилари эгаллади.

Маълумки, бугунги кунда қорақалпоқ аёллари ҳам ҳар соҳада ташаббус кўрсатиб, фаол иш юритишаётир. Уларнинг аксарияти Халқ банкининг молиявий мададидан унумли фойдаланаётгани эътиборга лойиқдир.

— Аввало, давлатимиз томонидан тадбиркорларга кенг йўл очилиб, барча имконият яратиб берилганидан миннатдорлигимни билдирмоқчиман, — дейди ишбилармон Венера Саъдуллаева. — Мисол учун, биз Халқ банкининг кредити ҳисобидан тўй ва бошқа турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган тўйхонани қуриб битказиб, нон цехини ишга туширдик. Ҳозир аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдамиз.

Маълумот ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, Давлат-тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 2,8 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилган эди. Ундан самарали фойдаланиш асосида 140 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилдики, унинг аксарияти чекка қишлоқларга тўғри келгани диққатга сазовордир.

— Кичик бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, Асосий Қонунимизга мувофиқ, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, албатта, мустақиллик шарофатидандир, — дейди Хўжайли туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Барно Собирова. — Халқ банкининг Тахиатош шаҳар филиалидан олган кредитимизга нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехни фойдаланишга топширган эдик. Маҳсулотларимиз, мана, харидорларини топиб, буюртмалар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Муҳими, банкка кредитни фоизи билан вақтида қайтарганлигимиз боис унинг ходимлари “Янги бизнес-лойиҳангизни тақдим этинг, яна кредит берамиз, фаолиятингизни бундан-да кенгайтирасиз”, дейишаяпти. Ишончли ҳамкор шунчалик бўлади-да.

Банк филиали ходимлари, шунингдек, ҳудуддаги барча касб-ҳунар коллежларининг тадбиркорликка лаёқати бор битирувчиларига ҳам бизнес-режалар тузиш, уларни молиялаштиришда яқиндан ёрдам бермоқда. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида уларга 901 млн. сўмлик кредит берилгани ана шундан далолатдир.

Хусусан, кегейлилик Сарвиноз Соғиндиқова бу йил коллежни битиради. У Халқ банкининг туман филиалига бизнес-лойиҳасини тақдим этган эди. Лойиҳа маъқул тушиб, 3 млн. сўм миқдорида кредит берилди. Бу маблағ ҳисобига кичик паррандачилик фермасини ташкил қилди. Айни пайтда ёш тадбиркор аҳолининг товуқ гўшти ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшмоқда.

— Даромадим кутганимдан ортиқ, — дейди у. — Бундан, айниқса, ота-онам мамнун. Чунки рўзғоримизга барака киритаяпман-да.

Шу билан бирга, банк филиали нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, балки бошқа тармоқлардаги корхоналарнинг йирик инвестициявий лойиҳаларига ҳам сармоя ажратаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг ривожланишига, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётир.

**Банк матбуот хизмати.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Халқаро молия корпорацияси билан “Ҳамкорбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ўртасида Ўзбекистонда микрофирма ва кичик корхоналарни молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит тақдим этиш бўйича битим имзоланди.*

# Имкониятлар кенгаяди

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, уларнинг бизнес-лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Биргина 2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республика тижорат банклари томонидан мазкур соҳага 5,6 триллион сўмлик кредитлар берилгани, шунингдек, халқаро молия институтлари кредит линиялари доирасида 116,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилгани бунинг яққол далилидир. Натижада кўплаб янги кичик корхоналар ташкил этилиб, улар томонидан ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли бандлиги даражасини оширишга эришилди.

Жаҳон банки гуруҳларига кирувчи Халқаро молия корпорацияси томонидан ажратилаётган бу галги инвестиция эса кичик корхоналарни молиялаштиришни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

— Ҳар қандай давлатда иқтисодиётнинг ривожланиши ва бандлик масаласини ҳал этишда кичик бизнеснинг ўрни катта, — дейди Халқаро молия корпорациясининг Европа, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада молиявий бозорлар ҳамда хусусий капитал жамғармалари бўйича департаменти директори Офтоб Аҳмад. — Ўзбекистонда айни шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда, хусусий секторга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми тобора кўпайтирилаётгани эътиборга моликдир. Бизнинг кўп йиллик ҳамкоримиз — “Ҳамкорбанк” ОАТБ орқали киритилаётган сармоялар эса мамлакатингизнинг чекка минтақаларида фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари ва аҳолига банк хизмати кўрсатиш, молиявий мададни кучайтиришга мўлжалланган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Халқаро молия корпорацияси дунёдаги йирик молиявий институтлардан бири бўлиб, унинг фаолияти хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган. 2013 йилнинг ўзида 25 миллиард АҚШ долларилик инвестиция 100 дан ортиқ мамлакатларда хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлган бўлса, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда агробизнес ва озиқ-овқат соҳасида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун унинг кўмагида ажратилган 94 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилди.

— Халқаро молия корпорацияси томонидан навбатдаги кредит линиясининг ажратилиши банкимиз стратегияси тўғрилиги ҳамда унинг истиқболда ривожланиш салоҳияти юқорилигини яна бир бор тасдиқлайди, — дейди “Ҳамкорбанк” ОАТБ бошқаруви раиси О. Тўражонова. — Таъкидлаш жоизки, икки томонлама ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши банкимизда савдони молиялаштириш линияси ва таваккалчиликларни бошқаришнинг замонавий усули ҳамда корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, агробизнесни молиялаштиришда хорижнинг илғор тажрибаларини қўллаш имконини берди.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**


Реклама ва эълонлар

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 24 октябрдаги 10-1312/11973, 18092/24-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уйда жойлашган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 1 875 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.* 1991R/380

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.



*(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)* МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94. 1666R/956

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканой основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.




Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00. 504R/44


ЖАҲОН 24 соат ичида

*“Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги Нидерландияни юқори кредит рейтингидан маҳрум қилди.*

## Харажатлар қисқаради




Яъни мазкур мамлакатга берилган “ААА” (юксак) даражаси “АА+” (юқори)га туширилди. Экспертларнинг айтишича, жорий йил якуни бўйича ушбу мамлакат иқтисодиёти 1,2 фоиз пасаяди. Унинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши ҳам сустлашган. Ҳукумат эса бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадида давлат харажатларини қисқартириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида фақат Германия, Финляндия ҳамда Люксембургдагина “ААА” рейтинги қолди.

“Standard & Poor’s” Испаниянинг кредит рейтингини бир поғонага кўтариб, “барқарор” даражасини берди. Бу мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётгани билан изоҳланди.

## «Оскар» синовлари

*“Оскар” номли кучли бўрон Финляндиянинг жанубий қисмида бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.*



Хусусан, Риихимяки-Лахти участкасида поездлар ҳаракати тўхтатилди. Йигирма минг нафардан ортиқ аҳоли электр таъминотидан узилиб қолди. Эспоо шаҳрида дарахтнинг қулаб тушиши натижасида икки киши жароҳатланди.

Метеорологлар бўрон айни пайтда мамлакатнинг шарқий қисми томон ҳаракатланаётганини маълум қилишди.

## Вазиятдан чиқиш учун

*Европадаги йирик сайёҳлик компанияларидан бири — “Thomas Cook” жорий ҳисобот йилида 316 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олди.*




Бунда Испания, айниқса, Канар оролларига саёҳат қилувчиларнинг сони кескин ортгани муҳим аҳамият касб этган.

“Thomas Cook” сўнгги уч йилни оғир молиявий қийинчилик билан ўтказди. Ҳатто 2011 йилда компаниянинг банкротликка юз тутишига бир баҳя қолган эди. Аммо у харажатларни кескин қисқартириш орқали мураккаб вазиятдан чиқиб кетди.

## Акциялар савдоси

*Португалияда почта хизмати — “СТТ” давлат тасарруфидан чиқарилиши ҳақидаги қарор эътирозларга сабаб бўлди.*




Мазкур қарор, айниқса, соҳа ходимларини жиддий хавотирга солмоқда. Манбага қараганда, ҳукумат “СТТ” акцияларининг 70 фоизини 430 миллион еврога сотишни режалаштирган. Савдолар 5 декабрь куни бошланади.

Португалияда сўнгги беш йил давомида давлат компанияси акциялари бу тарзда оммавий савдога қўйилмаган эди.

## Сабаби аниқ эмас

*Ўтган жума куни Глазго шаҳридаги “Клута” қаҳвахонаси устига полиция хизматига тегишли вертолёт қулаб тушган эди.*

Ушбу кўнгилсизлик оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони тўққиз кишига етди. Улардан уч нафари ҳаво транспорти воситасида бўлганлардир. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, фожиа юз берган вақтда қаҳвахона биносида тахминан 120 киши бўлган.

Фалокат сабаблари ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштиришларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, қарорда қайд этилган вазифаларни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Инглиз тилини ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш" лойиҳаси тайёрланди. Унда инглиз тили фани ўқитувчиларининг компьютерда ишлаш малакасини ошириш, интернет ҳамда "ZiyoNET" жамоат таълим ахборот тармоғи ресурсларидан самарали фойдаланишларини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шу кунгача лойиҳа доирасида Британия Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва инглиз тили бўйича жалб этилган экспертлардан иборат ишчи гуруҳи томонидан бир қатор семинарлар ташкил этилди. Уларда давлатимиз раҳбарининг чет тилларни ўрганишга оид қарори фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимли бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Хорижий тилларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқ болани изланишга, ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди, — дейди Зангиота туманидаги 44-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Фарҳод Файзуллаев. — Ўқувчини тўғри талаффуз қилишга мажбурлаш ёки грамматик хатосини тўғрилаш билан тил ўргатиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, дарсларни мулоқот тарзида, кўпроқ машқ, ўйин услубида олиб бораяпмиз. Дарс жараёнида хорижий тилларда намойиш этиладиган телекўрсатувлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Умуман, ушбу қарор биз, нафақат ўз вазифамизга масъулият билан қарашга, шунингдек, завқ-шавқ билан ишлашга ундайди.

Тил билган — эл билади, дейди халқимиз. Айниқса, ҳозирги кунга келиб жаҳон тилларидан бири бўлган инглиз тили дунёнинг барча қитъаларида ўрганилмоқда. Қолаверса, инглиз тилида чоп этилаётган фан-техникага оид илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар ва ахборотлар сон жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради. Бугун дунёнинг аксарият мамлакатларида илм-фан билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги инглиз тилида мулоқот қила оладилар.

Мамлакатимизда ҳам Президентимизнинг қарори туфайли умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ҳамда олий ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Масалан, Қарши шаҳридаги 43-умумтаълим мактабида инглиз тилини ўқитиш бўйича ибратли тажриба тўпланган. Минг нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олаётган мактаб замонавий шарт-шароитга эга. Чоршанба куни мактабда "Инглиз тили куни" деб эълон қилинган. Шу куни мактаб ўқувчилари инглиз тилида мулоқот қилиб, эркин сўзлашиш кўникмасини оширишади.

Учтепа туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам хорижий тиллар чуқурлаштирилиб ўтилади.

— Чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ ўқувчининг зеҳнини чархлайди, ўз устида ишлашга ўргатади, — дейди мактаб директори Барно Раҳимова. — Ахир ким ҳам фарзандининг теран билимли бўлишини, чет тилларни мукаммал ўзлаштиришини хоҳламайди. Бугун яратиб берилаётган шарт-шароит, имконият эса ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, мазкур мактабда ўғил-қизлар интеллектуал ўйинлар, фан йўналишлари бўйича тўгараклар ва спорт секцияларига қатнашиб, ўз билим ҳамда маҳоратини оширмоқда. Шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли фан олимпиадалари, танлов ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Аёнки, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори замирида навқирон авлоднинг келажакда замонавий фан-техника ютуқларини мукаммал ўзлаштириб, етук кадрлар бўлиб етишишлари, юртимизнинг тобора ривожланиб бораётганлигини амалда исботлаш мақсади мужассам. Бинобарин, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилларнинг татбиқ этилиши ҳам ҳар бир касб эгасини тил ўрганишга ундайди. Бу эса келгусида ёшларимиз орасидан халқаро даражадаги ҳуқуқшунослар, муҳандислар, иқтисодчилар, шифокорлар ва бошқа соҳа вакиллари етишиб чиқишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.




**СУРАТЛАРДА:** *пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг чет тилларини чуқур ўрганишлари учун барча шарт-шароит яратилган.*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

■ БУГУН — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

*Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йилдаги қарорига асосан, ҳар йили 3 декабрь "Халқаро ногиронлар куни" сифатида бутун дунёда нишонланади. Мазкур санага бизда ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мамлакатимизда эзгу мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ўзгаришлар, авваламбор, мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик натижаси, десак, муболаға бўлмайди.*

## Меҳр ва саховат тафти

Муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, қўлидан келган ёрдамни аямаслик каби эзгу фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини айтиш мумкин. Хусусан, жойларда тегишли вазирлик, ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорликда реабилитация техник воситаларини (ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва бошқа зарур мосламаларни) вақтинча фойдаланишга бериш шохобчалари ташкил этилган. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 174 та мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш масканларида 14 минг нафардан зиёд ёлғиз кексалар, пенсионер ҳамда ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида тажриба сифатида жорий этилган "Ҳаракатланишда қийналаётган фуқароларга бепул транспорт хизмати кўрсатиш" тизими республиканинг яна 190 туманида ҳам жорий қилиниб, 8 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар бепул транспорт хизматидан фойдаланишаяпти. Наврўз ва Мустақиллик байрамларида рўйхатда турган 19,6 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга салкам 4,6 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар йили ўрта ҳисобда ногиронлар 10 мингдан ортиқ ортопед-протез маҳсулотлари, 3 мингтага яқин ногиронлик аравачалари, 1,3 мингдан зиёд эшитиш мосламаси, 4 мингтага яқин ҳасса ва қўлтиқтаёқлар билан бепул таъминланаяпти.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига тегишли бўлган қонунчилик базасининг узлуксиз равишда такомиллашиб келаётгани ҳам уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Бугунги кунгача айнан шу соҳага йўналтирилган юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Бу йил Ўзбекистон Ногиронлар жамияти тизимидаги бўлим ва бўлинмалар томонидан жами 180 миллион сўмдан ортиқроқ миқдордаги грант маблағлари ногиронларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, уларни касаначилик, тикувчилик ва шу каби бошқа касбларга ўргатиш орқали қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Тўрткўл, Хўжайли, Беруний каби узоқ, чекка туман бўлинмалари мазкур танлов ғолиблари бўлгани алоҳида эътирофга сазовордир.

Қолаверса, ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Деярли ҳар йили имконияти чекланган фуқароларимиз вакиллари ривожланган давлатларда бўлишиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиб келмоқда.

Жорий йилда, шунингдек, иқтидорли ногирон болалар ўртасида анъанавий "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танлови ташкил этилди. Бу танловнинг туман ва вилоят босқичларида ҳам 1365 нафар бола қатнашди. Унинг республика босқичи 22 — 23 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиб, якунда ғолиблар муносиб тақдирланди.

Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртда яшаш — бахт. Бинобарин, ногиронларга кенг имкониятларни яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун кўмаклашишга қаратилган эзгу ислоҳотлар шу муқаддас Ватанда ҳар бир инсон азиз эканлигини англатади.

**Суяр ҚУРБАНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон**
**Ногиронлар жамияти раиси.**


**Республика аҳолиси диққатига!**

**Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?**

**ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ**

**«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.**




*Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.*

**Манзилимиз:**
**Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99893) 549-15-15, (+99898) 121-18-07.**

1581A/890

● Реклама ва эълонлар ●

**Диққат!**

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган лойиҳалар, ғояларни аниқлаш ва амалга ошириш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда жорий йилнинг 11 декабрь куни Гулистон шаҳрида бўладиган «Бизнес ғоя — 2013» кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур кўрик-танловда барча юридик ва жисмоний шахслар, хорижий инвесторлар қатнашишлари мумкин. Аризалар жорий йилнинг 5 декабригача қабул қилинади.

Ғолиблар 5 та йўналиш ҳамда 50 та номинация бўйича аниқланади ва улар ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломи билан тақдирланади. Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун «ноль» қийматда ишлаб чиқариш бинолари, барча коммуникацияга эга бўлган ҳудудлардан ер майдонлари, имтиёзли банк кредитлари таклиф этилади.

**Манзил: Гулистон шаҳри, Қаҳрамонлар хиёбони, 1-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 230-78-78/80, (8-367) 221-11-01.**
**Call center: (8-371) 150-60-06.**

1956A/113

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилган:

Пастдарғом тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 14-1317/10700-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Арабхона» ҚФЙ, «Болтали» МФЙ, Болтали қишлоғида жойлашган, умумий майдони 15 613,01 кв.м., қурилиш ости майдони 2 677,13 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.***

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.**
**Телефон: (8-366) 234-06-38.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1992R/105

**«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 6 августдаги 15-0902/25891-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё — Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси»да сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, завод рақами 8589, «ТНД-16000/110-7691» русумли трансформатор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 413 420 065 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 январь соат 18.00.

Ушбу мулк билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001. МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Манзил: Фарғона шаҳри,**
**Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Тел.: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz.**

***Гувоҳнома 1177.***

1995R/1133


## Саломатлик кунлари

*Навоий шаҳрида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида "Саломатлик кунлари" ташкил этилди.*

■ ТИББИЁТ

Акция давомида юқори малакали шифокорлар вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказдилар.

— Юртимиз аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди тиббий мутахассислар гуруҳи раҳбари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология ва геронтология кафедраси мудири Гавҳар Тўлабоева. — Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам тез-тез ўтказилиб турилиши халқимиз, айниқса, она ва бола саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 23 НОЯБРДАН 29 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 18 ноябрдаги 49/ҚҚ, 30-сонли қарори.

**2013 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011-1 (2013 йил 2 декабрдан кучга кирди).**

2. "Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 ноябрдаги 01/22-26/24-сонли қарори.

**2013 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-3 (2013 йил 2 декабрдан кучга кирди).**

3. "Ҳаво кемаларида почтани ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 октябрдаги 57-мҳ-сонли қарори.

**2013 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2530 (2013 йил 2 декабрдан кучга кирди).**

4. "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 15 ноябрдаги 2013-03-сонли буйруғи.

**2013 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968-1 (2013 йил 2 декабрдан кучга кирди).**

5. "Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 22 октябрдаги 01/09-26/19-сонли қарори.

**2013 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1394-6 (2013 йил 2 декабрдан кучга кирди).**

***II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. "Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро авиациясида аэронавигация хизматлари маълумоти" авиация қоидалари (ЎзР АҚ 174) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруқ. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5